# O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY FANLAR

ISSN 0202-151 X

# ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

1-2-2008

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# O‘ZBEKISTONDA IJTIMOIY FANLAR

2008

1 – 2

# ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Издается с мая 1957 г. Выходит по 4 номера в год*

ТАШКЕНТ
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
2008

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана С.С. ГУЛЯМОВ *(главный редактор)*, доктор исторических наук Б.АБДУХАЛИМОВ *(зам. главного редактора)*, доктор философских наук К. НАЗАРОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН Узбекистана Н.И. ИБРАГИМОВ, акад. АН Узбекистана И.И. ИСКАНДЕРОВ, акад. АН Узбекистана А.Р. МУХАМЕДЖАНОВ, акад. АН Узбекистана Х.Р. РАХМАНКУЛОВ, акад. АН Узбекистана Э.В. РТВЕЛАДЗЕ, акад. АН Узбекистана А.Х. ХИКМАТОВ, доктор исторических наук Д.А. АЛИМОВА, доктор экономических наук А.М. КАДИРОВ, доктор филологических наук Т. МИРЗАЕВ, доктор философские наук Р.Дж. РУЗИЕВ, доктор юридических наук А.Х. САИДОВ, доктор исторических наук Т.Ш. ШИРИНОВ, доктор исторических наук Д. Ю. ЮСУПОВА, Б.И. КНОПОВ *(ответственный секретарь)*.

*Адрес редакции: 100047, Ташкент, ул. Боровского, 5.*
*Телефон: 236-78-27*

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 2008 г.

Редакторы *Б.И. Кнопов, Ю. Парпиева*
Компьютерная верстка *И. Мусабоев*

Регистр № 00148. Сдано в набор 18.03.2008. Подписано в печать 04.04.2008.
Формат 70x108 1/16. Гарнитура литературная. Печать офсетная. Бумага офсетная.
Усл. печ. 11,5 л. Уч. изд. 10,0 л.. Тираж 254. Заказ № 19

Издательство «Фан» АН РУз: 100170.
Ташкент, ул. им. И. М. Муминова, 9.

Типография ООО “GRAFO PRINT”
Ташкент, ул. Мавлянова, 1[а].

С.С. ГУЛЯМОВ

# МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА МУҲИМ ДАВР

Янги йил арафасида, 2007 йил 23 декабрда, давлатимиз раҳбари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президентига сайловлар тўғрисида», «Сайловчиларнинг фуқаролик ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида сайлов компанияси фаолияти ва сайловнинг ўзи юқори ташкилий савияда ўтди. Мамлакатимизда ҳақиқий халқчил тамойиллар асосида очиқ ҳолда ўтказилган сайловлар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қурилиши, ижтимоий ва миллатлараро тотувлик, сиёсий фаоллик ҳамда халқимизнинг ҳуқуқий онги ўсганлиги, унинг оптималлашуви, истиқболли келажаги буюк Ватанимизнинг юксалиши – ҳамжиҳатлик ва тантанавор вазиятда ўтганлиги билан ажралиб туради.

Мамлакатда сиёсий плюрализм руҳида ва бағрикенглик ҳамда жамиятимиз барча қатламларининг ҳур фикрлилик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Халқ демократик партиясидан, «Адолат» социал-демократик партиясидан, Либерал-демократик партиясидан ва Ташаббускор гуруҳ томонидан номзодлар кўрсатилиб, тантанали равишда ҳамда тўлиқ тенглик асосида бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, Президент номзоди сафида аёл киши бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар фаоллиги ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Сайловларнинг самарали ўтишида 8266 сайлов участкаларининг зарурий моддий-техника базаси ва адабиётлар билан таъминланганлиги ниҳоятда қўл келди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳужжатларига кўра 14765 минг сайловчи ёки умумий сонидан 90,6 фоиз қатнашганлигини қайд қиламиз. Сайловчиларнинг 13 млн. нафари, яъни 88,1 фоизи ўз овозларини Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодига беришди[1]. Марказий сайлов комиссияси асосли равишда И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги ҳақида қайд қилди. Айни пайтда Ўзбекистон халқи мамлакатда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида чуқур, кенг жабҳалиислоҳотлар олиб борилаётганлиги ҳамда Ватанимизнинг истиқболли келажаги, унинг халқаро ҳамжамиятда обрўсининг ошиб бориши, халқ фаровонлиги юксалаётганлигини таъкидлади.

Сайловларнинг ўтказилиши кенг ошкоралик тарзида очиқ ва оператив ахборот бериш жараёнларида бўлиб ўтди. Сайловлар жараёнида сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Республикаси ташкилотларидан 23 мингдан ортиқ кузатувчилар ҳамда 300 га яқин 30 дан ортиқ обрўли давлатлардан вакиллар иштирок этишди. Чунончи, ОБСЕ, МДҲ, ШХТ, ОИК ЕврАзЭС каби халқаро ташкилотлардан ҳам вакиллар қатнашди. Уларнинг барчаси Ўзбекистонда

[1] Правда Востока. 2007. 25 дек.

Президент сайлови юқори ташкилий савияда ўтиб, фукароларнинг фаол иштирокида ҳеч қандай қоидабузарликлар бўлмаганлиги ва Конституция нормалари ҳамда Ўзбекистон қонунчилигига тўлиқ мос келиши, халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тамойиллари асосида ўтганлигини қайд қилишди. Бу эса Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида демократиянинг кенг жабҳада олиб борилганлиги ва халқнинг эрки ҳамда орзу-умидлари рўёбга чиқарилишининг ёрқин исботи сифатида таъкидланди. Хорижий кузатувчилар шу нарсага тан беришдики, биринчидан, 90 фоиздан ортиқ республика фуқаролари сайловларда фаол қатнашган бўлса, иккинчидан, кўп жойларда сайловчиларнинг ярмидан ортиқроғи тушгача ўзларининг фуқаролик бурчини адо этишди.

И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиши муносабати билан унга жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва давлатлари раҳбарлари номидан муборакбод этиш учун шошилинчномалар келиб турди. Шунингдек, хорижий элчихоналар, обрў жамоат ташкилотлари бошлиқлари ва бошқа шахслардан ҳам табрикномалар келди. Чунончи, И.А.Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги муносабати билан Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин чин қалбдан кутлади.

Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао, И.А.Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон халқи ўз давлатини қуриш жараёнида катта ютуқларга эришади ва Хитой билан ўзининг дўстона ва ишончли ҳамкорлигини мустаҳкамлайди ҳамда турли жабҳаларда шерикчилик муносабатларини янада чуқурлаштириб боради, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик янги поғоналарга кўтарилади[2], деган фикрни қатъий ишонч билан табрик телеграммасида жўнатган.

Германия Федератив Республикаси Президенти Х. Кёлер ўз табригида, ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши Германия учун ҳам келгусида Ўзбекистон билан ишончли шерикчилик ишларини олиб боришини қайд қилди[3].

Япония бош вазири Ясуо Фукуда И.А.Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳозирги пайтда ва келгусида барқарорликни таъминлаш ва юқори савияда ўсишда ҳамда Марказий Осиё минтақасида ҳам ривожланишни таъминлашнинг марказига айланади, деб ишонч билдирди[4].

Белорус Республикаси Президенти А.Лукашенко мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовга табрик хатини йўллар экан, шундай қайд қилади: Сайловларда эришган ғалабангиз Сизга сайловчиларнинг юксак ишончидан далолат беради, Сизнинг давлат арбоби, тажрибали сиёсатчи ва инсонийлик сифатлари юқори даражада эканлигидан маълум бўлиб турибди[5].

Давлатимиз ва шахсан Президентимиз мамлакат фани ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон олимлари ҳам бу ғамхўрликка жавобан ўзларининг ижодий-илмий фаоллиги билан назарий тадқиқотлар ва амалий изланишларни янада такомиллаштириш, мамлакатнинг ижтимоий-

---

[2] Народное слово. 2007. 20 – 30 дек.

[3] Ўша жойда.

[4] Ўша жойда.

[5] Правда Востока. 2007. 29 дек.

иқтисодий, маънавий ва маданий қурилишини истиқболли ватан равнақи учун, халқимиз фаровонлиги учун фаол вазифаларни бажаришда ўз фаол ҳаракатларини намойиш қилишмоқда.

2008 йил 16 январда Олий Мажлиснинг икки палатаси қўшма йиғилишида Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросими бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳукумат аъзолари билан биргаликда республиканинг раҳбар ходимлари ҳамда мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий давлатлар ва халқаро давлатлар ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов катнашчиларга ўзининг чин қалбдан миннатдорчилигини билдирган ҳолда нутқ сўзлади. У «давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мамлакатимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини янада ошириш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, халқимизнинг тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш бундан буён ҳам бутун фаолиятимнинг асоси бўлиб қолади», деди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари Конституциямиз талабларига ва халқаро меъёрий нормаларга тўлиқ мос келган ҳолда ўтди. Шундай қилиб, мустақил давлатимизда ушбу сайлов тарихий ривожланиш жараёнларидаги ниҳоятда муҳим давр бўлиб, халқимизнинг ёрқин ва қатъиятли фаолият кўрсатиши асносида мамлакат ҳаёти янгиланиб боради ва Ватанимизнинг истиқболли ҳамда буюк келажак сари гуллаб-яшнаши учун сайловчилар томонидан ҳақли ва адолатли сайланган Президент Ислом Каримов билан дадил одим ташлайверади.

# МУНДАРИЖА

С.С. Гулямов. Мустақил Ўзбекистон тарихида муҳим давр ........ 3
Б. Ғойибназаров. Ўзбекистон барқарор иқтисодий тараққиёт йўлида ........ 5
В.И. Толибжонова. Эркин тадбиркорлик фаолиятининг салоҳиятини ошириш кафолатлари ........ 14
Х.А. Саидов. Конституция ва Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятининг ривожланиши ........ 22
Х. Хидиров. Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар тамойиллари ........ 29
Г.Ш. Сотволдиев. Ўзбекистон Республикаси энергетик хавфсизлигини таъминлашнинг баъзи бир масалалари ........ 34
Ф.Я. Умаров. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республикамизда кўмир саноатини ривожлантириш ........ 40
А.Б. Низомов. Минтақавий бошқарув тизими ва иқтисодий ўсув омилларини фаоллаштиришнинг назарий аспектларини такомиллаштириш. ........ 47
С.А. Воронин. Баҳонинг белгиланишига методологик ёндашув: жаҳон тажрибаси ва ҳозирги замон тенденциялари ........ 54
Ш.Ш. Тўраев. Солиқ юкининг назарий асослари ва уни иқтисодиётга таъсири масалалари ........ 58
Т.Г. Хайруллаева. Ижтимоий соҳада давлат бошқарувининг тажрибаси ва Ўзбекистонда ундан фойдаланишнинг истиқболлари ........ 63
В.В. Назаров. Иш ҳақи таркиби ва уни ҳозирги шароитда такомиллаштириш ҳақида ........ 69
Ш.О. Мурадова. Шахс ҳимоясида жамиятнинг ўрни ........ 72
С.С. Гулямов. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фуқаро ҳуқуқлари ҳимояси ва уни амалга ошириш муддатлари ........ 81
М.А. Қосимов. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида ХХР тажрибаси ........ 89

## Фан тарихидан

С. Х. Азизов. IX – XV асрларда Марказий Осиёда астрономиянинг ривожланишининг асосий аспектлари ........ 95

## Илмий маълумотлар

Г.Ш. Хонкелдиева. Марказиё Осиё минтақаси энергия таъминоти бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ........ 100
С.В. Бердиқулов. Минтақа аҳолиси турмуш тарзини интеграл баҳолашга доир ........ 102
Х.Х. Аҳмедова. Мутахассисларни техник ижодий фаоллаштиришнинг баъзи бир масалалари ........ 106
Л.Ш. Собирова. Аёллар тенг ҳуқуқлилигини фактик таъминлашнинг ГФР тажрибаси. 110
Т.Я. Мурадимова. Ўзбекистон ёшларини маънавий шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга доир ........ 115
Б.М. Ҳамроқулова. Ёш авлоднинг маънавий тарбиясида муҳим босқич ........ 119
М. Раззоқова. Яъқуб Чархийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ........ 125

## Ахборот

ЎзР ФА илмий марказларида ........ 130

## Янги китоблар

А.Ф. Расулев. *Э.А. Маҳмудов.* Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита хорижий инвестициялар: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар ........ 130
С.П. Турсунмуҳамедов, Г.С. Раҳмонова.Фалсафа ........ 131
Ж. Баҳромов *Ф.Х.Набиев.* Ижтимоий сиёсат ........ 133
Ж.Б. Бекмуродов. *М.Х. Ғаниева.* Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожланишида жамоатчилик фикри ........ 134
Ф. Мақсудов. *Г. Бобоёров.* Турк ҳоқонлиги тангалари каталоги ........ 135

*Журналнинг 2007 йил мундарижаси* ........ 136

## СОДЕРЖАНИЕ

С.С. Гулямов. Важный этап в истории суверенного Узбекистана ........................ 3
Б. Гаибназаров. Узбекистан на пути всестороннего экономического развития ................ 5
В. И. Толибжонова. Гарантии повышения потенциала свободной предпринимательской деятельности ........................ 14
Х.А.Саидова. Конституция и развитие гражданского общества в Республике Узбекистан ........................ 22
Х. Хидиров. Принципы политических реформ в Узбекистане ........................ 29
Г.Ш. Сатвалдиев. Некоторые вопросы обеспечения энергетической безопасности Республики Узбекистан ........................ 34
Ф.Я. Умаров. Развитие угольной промышленности республики в условиях либерализации экономики ........................ 40
А.Б.Низамов. Теоретические аспекты совершенствования региональной системы управления и активизации факторов экономического роста ........................ 47
С.А. Воронин. Методологические подходы к ценообразованию: мировой опыт и современные тенденции ........................ 54
Ш.Ш.Тўраев. Теортетические основы налоговой нагрузки и вопросы ее влияния на экономику ........................ 58
Т.Г. Хайруллаева. Мировой опыт государственного регулирования социальной сферы и перспективы его использования в Узбекистане ........................ 63
В.В. Назаров. О составе заработной платы и ее совершенствовании в современных условиях ........................ 69
Ш.О.Мурадова. Позиция общества по защите личности ........................ 72
С.С. Гулямов. Сроки осуществления и защиты гражданских прав по законодательству Республики Узбекистан ........................ 81
М.А. Касымов. Из опыта КНР по развитию внешнеэкономических связей ........................ 89

### Из истории науки

С.Х. Азизов. Основные аспекты развития астрономии в Центральной Азии IX – XV веков ........................ 95

### Научные собщения

Г.Ш.Ханкельдиева. Об особенностях управления энергообеспечением в Центральноазиатском регионе ........................ 100
С.В. Бердикулов.К интегральной оценке качества жизни населения в регионе ........................ 102
Х.Х. Ахмедова.Некоторые вопросы активизации технического творчества специалистов ........................ 106
Л.Ш. Сабирова. Из опыта ФРГ по обеспечению фактического равноправия женщин ........................ 110
Т.Я. Мурадымова. К совершенствованию механизма духовного формирования молодежи Узбекистана ........................ 115
Б.М. Хамракулова. Важный момент в духовном воспитании молодого поколения ........................ 119
М. Раззакова. Общественно-политические взгляды Якуба Чархи ........................ 125

### Хроника

В научных центрах АН РУз ........................ 130

### Новые книги

А.Ф. Расулев. *Э.А. Махмудов.* Прямые иностранные инвестиции в экономику Узбекистана: достижения, проблемы и перспективы ........................ 130
С.П. Турсунмухамедов, Г.С. Рахманова. Философия ........................ 131
Дж. Бахронов. *Ф.Х. Набиев.* Социальная политика: учебно-методическое пособие ........................ 133
М.Б. Бекмурадов. *М.Х.Ганиева.* Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане: ........................ 134
Ф. Максудов. *Г. Бабаяров.* Каталог монет Тюркского каганата ........................ 135

*Содержание журнала за 2007 год* ........................ 136